



ТУМАН (ШАҲАР)ЛАРДАГИ КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШДА, ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШДА КРИМПРОГНОЗЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА СУЪНИЙ ИНТЕЛЛЕКТ ИМКОНИАТЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АФЗАЛИКЛАРИ МАСАЛАЛАРИ

Муҳсинбек ХОЛМИРЗАЕВ

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар академияси мустақил изланувчиси

e-mail: muhsinbekx_lawyer@mail.ru

Tel: +998998-777-34-02

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10579002>

ARTICLE INFO

Received: 22th January 2024

Accepted: 28th January 2024

Online: 29th January 2024

KEY WORDS

Кримпрогноз, кримтаҳлил, PredPol, Crime Radar, тана камералари, юзни таниб олиш, рақам белгиларини аниқлаш, ядро аналитикаси, нейрон тармоқлари, эвристик двигателлар, рекурсион процессорлар, Байес тармоқлари, маълумотларни йиғиш, криптографик алгоритмлар..

ABSTRACT

Мазкур мақолада туман(шаҳар)лардаги криминоген вазиятни таҳлил қилишда, жиноятчиликка қарши курашишда кримпрогнозлашнинг ўрни ва аҳамияти, туман (шаҳар)ларда ташкил этилган маҳаллалар, қишлоқлар, овуллар ва бошқа ҳудудий тузилмалардаги криминоген ҳолатни суъний интеллектга асосланган замонавий гаджетлар орқали таҳлил қилишнинг кенг имкониятлари, афзалликлари, шу билан бирга соҳани такомиллаштиришга қаратилган бир қатор таклифлар, мулоҳазалар ўз аксини топган.

Мамлакатимизда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг яқин ҳамкорлиги асосида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялашни таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Айниқса, жиноятларни содир бўлишини олдиндан прогнозлаш соҳасида катта қизиқиш билдирилиб келинмоқда.

Эндиликда, жиноятчиликка қарши курашишда жиноятларини фош этиш, тергов қилиш, жиноятлар содир этилгач, улар ҳақида тарғибот-ташвиқот тадбирларини амалга ошириш самара бермасдан қолди.

Бу усулларнинг эскирганлиги, аҳоли сонининг карага ўсиши, ижтимоий муносабатлар соҳасининг масштаби кенгайиши, жиноятларнинг сон жиҳатидан кўпайиши билан чамбарчасть боғлиқдир.

Ҳозирда аксарият аудитория жиноятчиликни кримнологик прогнозлашни жиноятчилик статистикаси билан бир эканлигини таъкидлашади.



Аммо, жиноятчиликни ўрганиш замирида жиноятчиликнинг ҳолати ҳақидаги статистик материал, жиноятчилар шахсига доир (айниқса, демографик) маълумотлар ётади, статистиканинг илмий методларидан эса криминологияда кенг фойдаланилади.

Бугунги кунда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, жиноятларнинг оқибатлари билан эмас, балки унинг келиб чиқишига замин яратаётган омиллар, шарт-шароитлар билан курашиш, жиноятчиликка қарши куч билан эмас, балки илм-маърифат, суъний интеллект негизида қурилган замонавий гаджетлар ва дастурий таъминотлар билан курашиш ҳар қачонгиданда муҳимроқ ва долзарброқдир.

Давлатимиз раҳбарининг **15.01.2024 йилдаги** “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПФ-10-сонли** Фармони ҳамда “Криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқот ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПҚ-22-сонли Қарорлари** сўзимизнинг яққол исботидир.

Мазкур Президент Фармон ва Қарори ҳам тадқиқот ишимизнинг нечоғлик долзарб эканлигини яна бир бора исботлайди.

Мазкур норматив ҳужжатлар том маънода жиноятчиликка қарши курашишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни “**замонавий қуроллар**” билан қуроллантирди, десак, асло муболаға бўлмайди.

Ушбу тарихий ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тузилмасида мамлакатда ягона таянч илмий ташкилот “**Криминология тадқиқот институти**” ташкил этилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда бутун дунё аҳлини хавотирга солиб бораётган ҳаво, сув, ўрмон ва ер ресурслари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси каби қатор соҳалар борки, мазкур соҳада содир этилаётган жиноятлар инсоният келажагига жиддий зиён етказиб келинмоқда.

Бу каби жиноятларнинг оқибатлари билан курашиш самарасиз бўлиб, бу оқибатларни бартараф этиш мушкулдир.

Ш сабабли, кўплаб илғор мамлакатнинг олимлари жиноятчиликка қарши курашишда криминологиянинг имкониятларидан фойдаланш, уларни амалиётга янада кенгроқ жорий этиш учун кўплаб тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар.

Аҳолининг соғлиғи ва яшаш қобилятини сақлаш соҳаларида экологик жиноятчилик сабаблари ҳамда унинг олдини олишнинг криминологик таҳлили муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Кўплаб соҳа вакиллари жиноятларнинг келиб чиқишига ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-психологик, демографик, ташкилий ва бошқа омилларни санаб ўтадилар.

Бироқ, санаб ўтилган ҳолатларнинг деярли барчаси жиноятчилик динамикасига қайсидир маънода таъсир кўрсатиши мумкин ва жиноятчиликнинг ортишига сабаб бўлиши мумкин.

Аммо, Бизнинг фикримизча, мазкур ҳолатларнинг барчаси жиноятнинг содир бўлиш **вақти, жойи ва қайси шахс томонидан содир этилиши ҳақидаги** қарашларимизда асосий факторлар ҳисобланмайди.



Юқоридаги ҳолатлар, мамлакатнинг жиноятчиликка қарши курашиш йўлидаги асосий йўналишлари ҳисобланади, холос.

Муқаддам барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тарқоқ ва интеграциялашмаган ҳолда жиноятчиликка қарши курашишда айрича таҳлилларни ва прогнозларни олиб борган ҳамда жиноятларнинг статистик ҳисоботларни юритиш билан чекланиб келган бўлса, эндиликда жиноятларнинг ҳисоби билан биргаликда **“ҳар бир жиноятнинг анатомияси”** ўрганилади.

Жиноятчиликка қарши кўр-кўрона курашга чек қўйилиб, жиноятларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омиллар ўрганилиб, самарали бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

Бу орқали жиноятчилик содир бўлиши **геометрик прогрессия тарзида** камайишига эришилади.

Соҳага ахборот коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали жиноятларни юқори аниқликда аниқлаш, уларнинг сабаблари билан эса «ташхисланган» ҳолда курашиш имконияти яратилади.

Айниқса кузатиш, маълумотларни йиғиш ва гуруҳлаш боз устига, XIV асрда криминологиянинг асосий муаммоларини айнан статистика назариётчилари томонидан ўрганиш кенг ривожланди.

Кримпрогнослашда бир қатор олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, Францияда Герри, Белгияда Кетле, Россияда Ткачевни мисол сифатида кўрсатиб ўтишимиз мумкин.

Статистик таҳлил воситасида жиноятчиликнинг бошқа ижтимоий ҳодисалар билан алоқаларини аниқлаш ва шундан келиб чиқиб самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мумкин.

Масалан, Кетле жиноятчиларни жинси ва ёши, жиноят содир этилган жой, вақт ҳамда фойдаланилган жиноят қуролларига кўра таснифлашнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб берди.

Бу билан Кетле жиноятчиликнинг баъзи бир ҳодисалар билан алоқасига эътиборни қаратиб, жиноятчиликнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида айрим муҳим хулосалар чиқарди.

Айни вақтда ҳуқуқбузарликларнинг энг хавфли шакли бўлган **жиноятчилик сабаблари ва омилларининг яхлит манзарасини бериш** ва жиноятчиликнинг олдини олиш тизимининг умумий концепциясини ишлаб чиқишга криминологиянинг ўзигина қодир эканлигини назарда тутиш лозим.

Бошқа юридик фанлари, айниқса **криминал циклга кирувчи фанлар** ўз вазифаларини ечиш учун криминологик тадқиқотларнинг умумий натижаларидан фойдаланади.

Жиноятчиликнинг мазмуни ҳамда намоён бўлиш шакллари, унинг қонуниятлари, асосий ва иккинчи даражали ҳаракатлантирувчи кучлари ва омилларини, шунингдек, жиноятчи шахси, унинг таркибий ва функционал хусусиятларини билиш бирданбир мақсад эмас.



У пировард натижада ҳозирги босқичда жамиятда юз бераётган ижтимоий жараёнларни бошқариш ва тартибга солиш борасидаги муҳим амалий вазифаларни ечишга қаратилган.

Криминология фани олдида нафақат жиноятчиликнинг айрим муаммолари, унинг ҳозирги босқичдаги баъзи бир сабаблари, профилактика субъектлари тизими, уларнинг вазифалари ҳамда таъсир кўрсатиш чора-тадбирларига доир нуқтаи назарларни янгилаш ва асослаш каби методологик хусусиятга эга бўлган муҳим вазифалар юзага келмоқда, балки ўтиш даври иқтисодиёти соҳасидаги ғайриижтимоий ҳодисаларнинг турли омилларини аниқлаш ва атрофлича таҳлил қилиш зарурати ҳам туғилмоқда

Ҳаво, сув, ўрмон ва ер ресурслари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, аҳолининг соғлиғи ва яшаш қобилиятини сақлаш соҳаларида экологик жиноятчилик сабаблари ҳамда унинг олдини олишнинг криминологик таҳлили муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Қайд этиш лозимки, прогнозлаш - келажакни ўрнатишни излаш жараёни, келажак ҳодисасини билиш жараёнидир.

Криминология асосан жиноят ҳодисаларини ўргангани учун, умуман олганда, криминологик прогнозлаш деганда жиноятнинг келажакдаги ҳолати тўғрисида доимий равишда ахборот олиш ва қайта ишлаш назарияси ва амалиёти тушунилиши керак.

Бошқача қилиб айтганда, криминологик прогнозлаш - бу жиноятларнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги ўзгаришлари, тенденциялари ва қонуниятлари, келажакда жиноятларнинг алоҳида турлари, гуруҳлари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш истиқболлари (йўллари), унинг турли жиҳатларини илмий башорат қилишдир.

Башорат қилинган жараёнлар ва объектлар ҳақиқатга тўлиқ мос келиши, объектив ўрганилиши ва тўғри баҳоланиши керак.

Прогнознинг мазмуни етарлича тўлиқ ёки тўлиқ бўлмаслиги мумкин.

Ҳамма нарса ишлатиладиган маълумотлар миқдори, қўлланиладиган техникалар ва башорат қилиш жараёни бошланган ва содир бўлган ёки бу жараёнга таъсир қилган бир қатор бошқа шартларга боғлиқ.

Агар ушбу муҳим шартларнинг барчаси тўғри тушунилса ва ўрганилса, прогноз мазмуни тўлиқ ҳисобланади.

Бундай ҳолда, тўғри расмийлаштирилиши керак бўлган объектив прогностик хулоса берилади.

Прогнозлаш натижалари муайян шаклда, қандайдир ҳужжатда ифодаланиши керак. Мазкур ҳолатда жиноятчиликнинг кунлик, ҳафталик ва ойлик ўзгариб боришини инобатга олган бўлсак, жиноятчиликнинг инсон омили билан ҳисоботларини юритиш ўз самараси бермайди.

Такрорий шаклга эга бўлган жиноятнинг прогнози бир қадар осон бўлиб, бирламчи ва иккиламчи илоҳийлик доирасида жиноят ҳолати, унинг тузилиши, характери ва динамикаси ҳақида башорат қилиш мумкин.

Қайд этиб ўтиш мумкинки, жиноятчиликнинг мавжуд турлари ва пайдо бўлиши мумкин бўлган турларининг анатомияси юзасидан тадқиқотларимиз етарли эмас.

Жиноятчиликнинг яхлит анатомиясини яратишимиз оқибатида суъний интеллект орқали жиноятларни аниқ прогнозлашимиз мумкин.



Мисол учун, инсон ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятларнинг пайдо бўлишига назар ташлайдиган бўлсак, мазкур ҳолат дастлаб кундалик ўзаро тортишувлар, маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят каби шаклланивчи мураккаб анатомияга эга эканлигини кўришимиз мумкин.

Жиноятчиликнинг анатомиясини шакллантириш жиноятнинг объект, объектив томонлари муҳим аҳамият касб этади.

Индивидуал хатти-ҳаракатларнинг прогнозлари бутунлай мустақил бўлиб, улар илгари жиноят содир этган ва жиноят содир этган шахсларнинг хатти-ҳаракатлари илгари жазога ҳукм қилинмаган шахслар прогнозларига бўлинади.

Криминологик прогнозларни бир қатор бошқа белгиларга кўра ҳам таснифлаш мумкин: жиноят тури, уларни содир етган шахсларнинг жинси ва ёши ва бошқалар бўйича, лекин охир-оқибатда, жиноятнинг умумий прогнози индивидуал прогнозлар асосида шакллантирилиши керак.

Ушбу башоратда ҳам бирламчи, ҳам рецидивнинг асосий белгилари бўлиши керак.

Шу ўринда жиноятларнинг вақт ва замонда прогнозлашнинг аҳамияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтишимиз лозим.

Қисқа муддатли криминологик прогнозлаш жиноятчиликка қарши курашиш тактикасини аниқлаш учун катта аҳамиятга эга, чунки унинг асосида жиноятчиликка қарши курашишнинг қисқа муддатли режалари ишлаб чиқилади.

Қисқа муддатли прогнозлаш жиноятчиликнинг умумий ўзгаришларини эмас, балки яқин келажакдаги, яъни бир йилдан беш йилгача бўлган даврда, шу жумладан биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи йиллар учун алоҳида жиноятчилик кўрсаткичларининг ўзига хос ўзгаришларини илмий жиҳатдан башорат қилишга қаратилган.

Ўрта муддатли прогнозлар эса узоқ муддатли прогнозлар жиноятчиликка қарши кураш стратегиясини белгилайди, улар узоқ муддатли прогнозлар сингари, жуда узоқ келажакдаги жиноятчилик ўзгаришининг асосий тенденцияларини аниқлашга қаратилган.

Бир томондан, ўрта муддатли криминологик прогнозлаш узоқ муддатли прогнозлар кўрсаткичларини тўғрилаш имконини берса, иккинчи томондан, жиноятчиликка қарши курашни тегишли режалаштиришни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Ўрта муддатли прогнозлаш олти йилдан ўн йилгача бўлган муддатга амалга оширилади.

Қисқа муддатли ва ҳатто маълум даражада ўрта муддатли, узоқ муддатли криминологик прогнозлашдан фарқли ўлароқ, энг умумий ижтимоий ҳодисаларни таҳлил қилишга асосланади ва кейинчалик узоқ муддатли прогнозлар аниқроқ бўлиши мумкин эмас. ўрта муддатли прогноз сифатида. Жиноятни узоқ муддатли прогнозлаш фақат комплекс асосда амалга оширилиши мумкин ҳуқуқбузарликларга таъсир этувчи фактларнинг бутун мажмуасини тўлиқ таҳлил қилиш.

Ушбу турдаги прогнозларнинг амалий муддати 10 дан 15 гача ва ҳатто 20 йилни ташкил этиши мумкин.



Улар кўпроқ эҳтимолий характерга эга, чунки улар ижтимоий тараққиётнинг умумий ижтимоий қонуниятларини, нафақат демографик қонуниятларни, балки иқтисодий, сиёсий, мафкуравий, маданий-маърифий ва ҳоказоларни таҳлил қилишга асосланади.

Сунъий интеллект орқали демаграфик ўзгаришларни таҳлил қилиб боориш жинойтларнинг башорат қилинишига таъсир қилмайди. Аҳоли сонининг кўпайиши ёки ёш, ўрта ва кекса ёшларнинг ортиши жинойтларнинг ошишига сабаб бўлиши ҳақида қарашлар илмий асосланмаган.

Дейлик, муайян ҳудудда жинойтчилик бир йилда ошмасдан барқарор ҳолатда турибди, лекин мазкур ҳудуддаги аҳоли сони 20 фоизга ортди. Натижада жинойтларнинг аҳоли сонига нисбати камайишини кўрамыз, бироқ мазкур ҳолатда жинойтчиликнинг сони камаймаган.

Шу ўринда, Биз тақлиф этаётган сунъий интеллектга асосланган дастурий таъминот **фақат кунлик ва қисқа муддатли прогнозларни аниқлашга қаратилган.**

Кўплаб криминолог олимлар томонидан ахборот манбалари ёки криминологик прогнозлашнинг зарурий шартлари сифатида қуйидагилар таъкидланади.

Статистик маълумотлар ва жинойтчиликка барқарор таъсир кўрсатадиган асосий ижтимоий жараёнларнинг (ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-психологик, демографик, ташкилий, бошқарувчи) ҳолати ва тенденциялари бўйича камида 10 йил давомида намунавий тадқиқотлар натижалари, шунингдек, "фон" деб аталадиган жинойт ҳодисаларининг ҳолати ва тенденциялари (алкоголизм, гиёҳвандлик, гиёҳвандлик, фоҳишалик ва бошқалар); камида 10 йил давомида жинойтчиликнинг ҳолати, тузилиши ва динамикасини тавсифловчи айрим ҳудудлар ва кўрсаткичлар бўйича статистик маълумотлар ва танланма тадқиқотлар натижалари; профилактика чораларини, шу жумладан жинойт жазоларни қўллаш ҳажми, тузилиши ва тенденциялари тўғрисидаги шунга ўхшаш маълумотлар: 10 йил давомида жинойтчиликка қарши курашни ҳуқуқий тартибга солиш ва ресурслар билан таъминлаш соҳасидаги ўзгаришлар ва уларнинг жинойтчилик ҳолатига таъсири тўғрисидаги маълумотлар; жинойтчилик тўғрисидаги жамоатчилик фикри ва унга қарши курашиш чора-тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар ва ташкилотларнинг ушбу курашдаги роли: жинойтнинг янги турлари, шакллари ва усуллари тўғрисидаги маълумотлар; давлатлараро характердаги жинойтлар ва айрим мамлакатларда жинойтчилик прогнозлари ва унга қарши кураш тўғрисидаги маълумотлар шулар жумласидан.

Дарҳақиқат, юқорида санаб ўтилган ҳолатларнинг деярли барчаси жинойтчилик динамикасига қайсидир маънода таъсир кўрсатиши мумкин ва жинойтчиликнинг ортишига сабаб бўлиши мумкин. Бироқ Бизнинг фикримизча, мазкур ҳолатларнинг **барчаси жинойтнинг содир бўлиш вақти, жойи ва қайси шахс томонидан содир этилиши ҳақидаги қарашларимизда асосий факторлар** ҳисобланмайди.

Юқоридаги ҳолатлар, мамлакатнинг жинойтчиликка қарши курашиш йўлидаги асосий йўналишлари ҳисобланади.

Мисол учун, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар ва ташкилотларнинг ушбу курашдаги роли жинойтчиликнинг ортишига сабаб бўлиши мумкин. Бироқ, бу



ҳолат субъектив қараш қўлиб, уни суний интеллект орқали прогнозлай олмаймиз. Дейлик, Қашқадарё вилояти Ғузор туманида жиноятчилик ўтган йилга нисбатан 250 фоизга ёки 30 тага ортди. Мазкур ҳолатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар ва ташкилотларнинг ушбу курашда сусткашликка йўл қўйганлигини сабаб сифатида кўрсатиб ўтиш мантиқсиз.

Машхур алломамиз табиб Ибн Синонинг табири билан айтганда, ташхисланмаган касалликка қилинган минг муолажа нафсиздир, аксинча беморнинг ҳаётида золим бўлади.

Шу нуқтайи назардан, жиноятчиликнинг кримпрогнозлаш орқали ҳудудда содир бўлиши мумкин бўлган жиноятларни аниқлашимиз ва шундан келиб чиқиб профилактик чора тадбирларни белгилаб олишимиз лозим.

Шу ўринда илғор давлатларнинг жиноятчилликка қарши курашишда суний интеллектнинг имкониятларидан фойдаланишдаги тажрибалари билан танишиш мақсадга мувофиқдир.

Мисол учун, дунёнинг энг илғор давлатларидан бири АҚСХ да суний интеллект негизига ишлаб чиқилган патрул операцияларини бошқариш учун ихтисослашган **ПредПол** дастурий таъминоти. Мазкур дастур тарихий воқеалар маълумотлари (идеал ҳолда 2-5 йил учун маълумотлар) тўпламлари ҳар бир янги шаҳар учун алгоритмни ўргатиш учун ишлатилади. Кейин ПредПол ҳар куни алгоритмни бўлимдан келганлиги сабабли янги воқеалар билан янгилайди. Ушбу маълумот агентлик ҳужжатларини бошқариш тизимидан (РМС) келади.

ПредПол дастури фақат 3 маълумот пунктдан – жиноят тури, жиноят жойи ва фойдаланади – прогнозларини яратиш учун фойдаланади.

Шахсни аниқлашга имкон берадиган шахсий маълумотлар ҳеч қачон ишлатилмайди. Демографик, етник ёки ижтимоий-иқтисодий маълумот ҳеч қачон ишлатилмайди. Бу разведка ёки прогнозларга асосланган бошқа полиция моделлари ёрдамида кузатилган махфийлик ёки фуқаролик ҳуқуқларини бузиш еҳтимолини истисно қилади.

Энг қизиқарлиси шундаки, Прогнозлар Гоогле хариталар орқали веб-интерфейсда қизил тўртбурчаклар шаклида кўрсатилади. Ҳар бир қутида 500 x 500 фут майдон мавжуд. Устунлар ҳар бир кун учун энг катта хавф зоналарини ва тегишли сменани кўрсатади: кун, сменали ёки тунги. Офицерларга иш вақтининг тахминан 10 фоизини хизмат кабиналарини патрул қилиш учун сарфлаш буюрилган (соатига 6 дақиқа).

Жиноятнинг кримпрогнозлашда турли-туман замонвий гаджетлар асосида таҳлил қилиш лозим.

Ҳозирги кунда илғор хориж давлатларида тана камералари, юзни таниб олиш, рақам белгиларини аниқлаш, ядро аналитикаси, нейрон тармоқлари, эвристик двигателлар, рекурсион процессорлар, Байес тармоқлари, маълумотларни йиғиш, криптографик алгоритмлар, ҳужжат процессорлари, ҳисоблаш лингвистикаси, овоз изини идентификация қилиш, табиий тилни қайта ишлаш, юриш таҳлили, биометрик



таниб олиш, шаблонларни таҳлил қилиш, таҳдидларни талқин қилиш, аниқлаш, таҳдидларни таснифлашда АКТ имкониятларидан кенг фойдаланиб келмоқда¹.

Биз томонимиздан илгари сурилаётган таклифларимиз натижасида, кримпрогнозлаш тўлиқ компьютер техникаси томонидан таҳлил қилиниб, натижаси тайёр ҳолда фойдаланишга тақдим этилади ҳамда инсонларнинг ўзаро таъсирисиз ишлайди.

Жиноятларни башорат қилишнинг замонавий воситалари ва усулларини қўллаш ҳуқуқбузарлик ҳолатларини камайтириш орқали жамиятда хавфсизлик даражасини оширади.

Прогнозли чора-тадбирларга сармоя киритиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мавжуд ресурсларни бошқариш ва уларни жиноят содир этиш эҳтимоли юқори бўлган жойларни доимий назоратда сақлашда ёрдам бериш орқали уларнинг самарадорлигини оширади.

Юқоридагиларга асосан қуйидагиларни хулоса қилишимиз мумкин.

Биринчидан, жиноятларнинг содир этилиши сабабларини тизимли таҳлил қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида сунъий интеллектга асосланган дастурий таъминотини (Predpol, CrimeRadar va h.o.) жорий этиш лозим.

Иккинчидан, туман (шаҳар)ларда ташкил этилган жамоатчилик шаклида фаолият юритаётган эксперт-таҳлил гуруҳларининг фаолиятини такомиллаштириши зарурати мавжуд. Шу сабабли ҳудудий прокуратураларда жиноятчилик криминалистик ва криминологик лабораторияларини ташкил этиш лозим. Мазкур лабораторияларда жиноятчиликнинг анатомиясини ишлаб чиқиш.

Учинчидан, Республика бўйича ягона чора-тадбирларни жорий этиш амалиётидан воз кечиш лозим. Сабаби барча ҳудуднинг фақатгина ўзига хос бўлган криминоген характери мавжуд. Ягона чора-тадбирларни амалга ошириш ресурсларни самарасиз сарфлашга сабаб бўлади.

References:

1. Криминология: Учебник/под ред. проф. Малкова В.Д. - ЗАО Юстицинформ, 2004 г.
2. <https://lex.uz/> — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
3. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПҚ-2833-сон Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, 2018 йил 31 октабрдаги Жиной-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида ПФ-5566-сон Фармони.

¹ <https://vciba.springeropen.com/articles/10.1186/s42492-021-00075-z>



6. Кабанов П.А. Современная криминология: структура, методика и тенденции развития: учебное пособие. Нижний Новгород: Нижегородская академия МВД России, 2018. 125 с.
7. <https://www.law.msu.ru/pages/nauchno-obrazovatelnyy-centr-kriminologicheskikh-issledovaniy-441>
8. <https://vciba.springeropen.com/articles/10.1186/s42492-021-00075-z>
9. Adeyemi A. (1990). Crime and Development in Africa: Case Study of Nigeria, in U. Zvekic ed., Essays on Crime and Development, pp. 182. Rome: United Nations Inter-regional Crime and Justice Research Institute.
10. Adeniyi Olatunbosun (1998). Public Attitudes towards Reporting Crimes in Nigeria. Nigerian Law and Practice Journal, 2(2), 105-111. Council of Legal Education, Nigerian Law School.
11. Barry Loveday (2000). Managing Crime: Police Use of Crime Data as an Indicator of Effectiveness. International Journal of the Sociology of Law, 28, 215-237.
12. Christopher Birkbeck (2006). Crime and Control in Venezuela, in Crime and Control in Comparative Perspectives. Law and Disorder in the Post Colony (pp. 109-130). London: University of Chicago Press Ltd. Elias Carranza, et al. (2006).
13. Monitoring the Crime Situation: A Developing Country Perspective, ' Forum on Crime and Society, 5(1), 111-116.
14. Hyacinthe Ellis, Crime Control in the English-Speaking Caribbean: A Comparative Study of Jamaica, Trinidad, Tobago and Barbados 1960-1980 in Crime and Control. Law and Disorder in the Post Colony. (pp. 131-162).